# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Кимдир тузатиш киритади: «Ньюсуик» шундай қилади. **(Кулги).**

**М. С. Горбачев.** Барибир. Бу сизларнинг империянгиз. **(Кулги).**

**М. Гринфилд.** Бизнинг империямизда ички рақобат ҳам бор. **(Жонланиш).**

**К. Грэхэм.** Жаноб Горбачев, биз бу ерга келганимиздан буён бўлажак партия конференциясига қизиқиш жуда катта эканлигини кўриб турибмиз. Бу ғоят муҳим воқеадан Сиз нималарни кутаётганлигингизни умумий тарзда айтиб беришингиз мумкинми?

**М. С. Горбачев.** Мен кутаётган нарсалар бутун жамият кутаётган нарсаларга ўхшайди. Биз уч йиллик иш якунларини чиқариб, қайта қуришимиз тарихини аниқлаб олмоқчимиз. Бутун ана шу даврни танқидий таҳлил қилиб чиқмоқчимиз. Ундан сабоқлар чиқариб олмоқчимиз. Эҳтимол, баъзи ўзгартишлар киритиш талаб қилинар. Лекин асосий масала — қайта қуришни бундан буён ҳам давом эттириш ва уни муқаррар тусга айлантиришдир. Шу сабабли иқтисодийислоҳотни чуқурлаштириш, партия ва жамиятни демократиялаш масалалари асосий масала бўлади. Қолганларини эса тез орада билиб оласиз.

**Р. Смит.** «Советская Россия» ва «Правда» газеталарида босилган маълум мақолалар совет раҳбариятидаги жиддий келишмовчиликларни акс эттирмайдими, деган мазмунда савол беради.

**М. С. Горбачев.** Менинг тасаввуримда қайта қуриш ҳамда ўтмишга баҳо бериш масалаларида совет раҳбариятида гўё чуқур келишмовчиликлар мавжудлиги тўғрисидаги мавзуни совет редакторлари эмас, балки Ғарбдагилар кўтариб чиқишмоқда. Чет эллардан рус тилида ва бошқа тилларда радио орқали, «овозлар» орқали муттасил эшиттираётган кишилар нимага асосланаётганликларини билмайман. Эҳтимол, бизда нималар юз бераётганлигини билиб олиш истагига асосланаётгандирлар, эҳтимол бизда давом этаётган мунозаралардан фойдаланиб, раҳбариятимизда ҳақиқатан ҳам ажралиш юз беришига умид қилиб, ишончсизлик туғдириш муддаосига асосланаётгандирлар.

Сиёсий бюро каби ҳукуматда ҳам ҳозирги раҳбарият асосан 1985 йил апрелида биз қайта қуриш жараёнини бошлаганимиздан кейин вужудга келган. Раҳбариятнинг ҳамма аъзолари қайта қуриш ишининг астойдил тарафдорларидир, улар қайта қуриш сиёсатини ишлаб чиқишда, бу сиёсатни амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар.

Келинглар, биргаликда ўйлаб кўрайлик, балки шундан кейин вазият сизларга равшан бўлар. Одамлар улкан ишга қўл ураётганларида, мақсадга эришиш стратегиясинигина эмас, шу билан бирга тактикасини ҳам белгилаб олиш зарур бўлганда бу ишларни фаоллик билан муҳокама қилмай туриб, раҳбарият орасида, бутун жамиятда ҳам, фикр алмашмай амалга ошириш мумкинми? Бизда худди шундай бўлмоқда. Бутун мамлакат улкан мунозара клубига айланди. Раҳбариятда ҳам қайта қуриш доирасида у ўртага қўяётган масалаларга жавоб топиш тўғрисида қизғин мунозара олиб борилмоқда. Фақат Исо пайғамбаргина ҳамма саволларга қандай жавоб беришни биларди ва бешта нон билан йигирма минг яхудийни қорнини тўйғаза оларди. Бизнинг бундай ҳунаримиз йўқ, ҳамма нарсани қисқа муддатда ҳал қилиш учун тайёр йўл-йўриқларга эга эмасмиз. Саволларга жамиятимиз билан биргаликда жавоб изламоқдамиз. Бу эса мунозаралар, қизғин баҳслар билан ўтмоқда. Шундай бўлиши ҳам нормал ҳолдир. Биздаги иллат шундан иборат эдики, жамиятимизда ҳам, партияда ҳам, Марказий Комитетда ҳам, ҳукуматда ҳам, Сиёсий бюрода ҳам кўп йиллар давомида бундай мунозаралар ўтказилмас эди. Бу эса жуда кўп йўқотишларга ва хатоларга, нуқсонларга олиб келди. Ҳозирги мунозараларимизни, яъни нормал демократик жараённи раҳбариятдаги келишмовчилик, деб кўрсатиш — энг катта хатодир. Эҳтимол, баъзи бировлар келишмовчилик бўлишини, ҳатто ихтилоф бўлишини, совет раҳбарлари ўзаро жанжаллашишларини хоҳласалар керак. Аммо бу бошқа гап. Унинг раҳбариятимиздаги мавжуд реал вазият таърифига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

**Р. Смит.** Гап шундаки, Сизнинг қизғин тарафдорларингизнинг кўплари, қайта қуришни қўллаб-қувватлаётган одамлар бизга сиёсий ихтилоф чиқиш мавжудлигидан ташвишланаётгандек туюлдилар. «Советская культура» газетасида бир хат эълон қилинди. Ўша хат автори: гўё «Марказий Комитет Пленуми ўтказилади ва М. С. Горбачевни вазифасидан олиб ташлайди», деб ташвиш билдиради. (Мен ўша хатдан цитата келтирдим). Шу сабабли у Сизнинг раҳбарлигингиз, сиёсатингиз масаласи хусусида ҳамма иштирок эта оладиган референдум ўтказишни таклиф қилди. Сиздан сўрашни истар эдим: бу хат ҳақида эшитганмисиз ва референдум ўтказиш ғояси хусусида фикрингиз қандай

**М. С. Горбачев.** Фақат шу хатни эшитибгина қолганим йўқ. **(Кулги).** Мен бундай фактлар пайдо бўлишини фақат ижобий баҳолайман. Бинобарин, мамлакатга ким раҳбарлик қилиши жамият учун бефарқ эмас экан. Бинобарин, одамлар юз бераётган жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарамоқда. Чамаси, сиз айтган гаплар қайта қуриш ютуқларини намойиш қиладиган қизиқарли рамздир: демак, халқ сиёсий жараёнга қўшилди, унда иштирок этишни, ўз фикрини, мулоҳазаларини айтишни истайди. Бу жуда соз. Эҳтимол, бу ҳозир қайта қуриш келтирган энг асосий жиҳатдир. Шу сабабли экономикада, социал соҳада ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Бу соҳада ижобий ўзгаришлар бор. Лекин, бутун жамият асосли равишда ҳис этадиган катта ўзгаришлар бўлиши учун вақт керак.

Сиз эслатиб ўтган хавфсирашга келганда эса, партияда ҳам, жамиятда ҳам бу хавфсираш асосли эканлигини тасдиқловчи ҳеч қандай воқеа содир бўлаётгани йўқ.

Шу ўринда мен фақат ўзим тўғримда гапираётганим йўқ. Мен масалани умуман кўзда тутмоқдаман. Агар Бош секретарь атрофидаги ёнма-ён ишлаётган ўртоқларининг мададидан фойдаланмаганда эди, апрелдан сўнг бизда ҳеч нарса рўй бермаган бўлиши мумкинлигини тушуниб олиш учун биздаги сиёсий жараённи билиш лозим. Жамиятимизда, партиямизда, Марказий Комитетда вужудга келган барча янгиликлар ҳозирги раҳбарият иштироки билан бўлган.

Яна бир масалага тўхталаман. Қайта қуриш сиёсий жараёнда ҳам экономика соҳасида ҳам, маънавий соҳада ҳам — ҳамма соҳаларда янги, омилкор кишиларни келтириб чиқармоқда. Демократияни ривожлантириш, уни чуқурлаштириш сиёсий майдонга янги-янги кучларни, омилкор кучларни олиб чиқади, деб ўйлайман. Қайта қуришнинг моҳияти яна шундаки, у демократия жараёни доирасида жамиятимизни тартибга, ўз-ўзидан йўлга солиб турувчи механизмни ҳам вужудга келтиради. Демак, халқ ва, албатта унинг энг яхши қисми, халқнинг интеллектуал қудрати, унинг қобилиятли, истеъдодли намояндалари барча даражаларда ва барча эшелонларда жамият ва давлатни бошқаришга қўшилади.

Жамиятимиз олдин қандай бўлса, эндиликда ўшандай бўлиб қолмайди. У ўзгармоқда. Бу борада ҳам механизмлар ишлай бошлади. Ҳали кўп ишларни қилиш талаб этилади. Лекин поезд ўрнидан қўзғалди, у тезликни ошириб бормоқда.

**Р. Кайзер.** Бир вақтлар Москвада яшаган мендек киши учун энг ҳайратомуз ўзгаришлар айнан матбуотда, телевидениеда содир бўлганини кўриб турибман. Ҳаммаси жуда мароқли бўлиб қолибди. Кўпгина сиёсий маҳбуслар озод этилибди, илгари илтимоси рад қилинган кўп кишиларнинг мамлакатдан чиқиб кетишларига ижозат берилибди. 7 май куни Сиз, вазифа социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат, деб айтдингиз. Бизнинг саволларимизга қайтарган жуда мароқли ёзма жавобларингизда сўз эркинлиги мутлақо зарурлигини айтибсиз. Айни вақтда биз баъзи совет гражданлари бизнинг назаримизда, мана шу ҳуқуқни амалга оширишга, сўз эркинлигини амалга оширишга шунчаки уриниб кўрган кишилар, жумладан Арманистондаги Айрикян, Москвадаги Григорянц кабилар кўнгилсиз воқеага дуч келаётганликларини кўриб турибмиз. Нега шундай бўляпти? Маъмуриятнинг баъзи вакиллари ҳали янгича тафаккурни эгаллаб олмаганликлари учунми ёки бу гражданлар, Сизнинг назарингизда, сўз эркинлиги доирасидан чиқиб кетаётганликлари учунми?

**М. С. Горбачев.** Қизиқ савол. Мен бу саволингизга қисқача жавоб қайтараман. Бизнинг халқимиз жамиятни янгилаш, ўзгартишлар тарафдори бўлиб чиқиб, фақат социализм доирасида ва унинг қадриятлари руҳида қатъий фикр билдирганлиги қайта қуриш кўрсатиб берган энг муҳим нарса бўлди.

Ҳатто экономикадаги кооперация, хўжалик ҳисоби, ижара пудрати, якка тартибдаги меҳнат фаолияти каби тадбирлар ҳам жамиятимизда айни шу позицияларда туриб: буларнинг ҳаммаси социализмдан чекинишни билдирмайдими? Бу ўринда социалистик принципларга путур етмайдими? — деган нуқтаи назардан жуда жиддий ва синчиклаб муҳокама қилинди ва муҳокама қилинмоқда. Ҳозир мамлакатимиз шу даражага етдики, аҳолисининг 9/10 қисми социалистик жамиятда туғилиб ўсган кишилардан иборат. Қолаверса, ҳозирги раҳбарият ҳам бизга турмушнинг барча соҳаларида буюк йўл очиб берган социализмни ривожлантиришдан бошқа ишни билмайди. Биз социализмни, унинг ютуқларини биламиз, муаммоларини ҳам биламиз. Шу боисдан ҳам ўзимиз танлаб олган социалистик йўл доирасида ишлайверамиз.

Шунинг учун ҳам бизга бошқа қадриятларни, шу жумладан мафкура соҳасида бошқача қадриятларни тиқиштирганларида халқ бунга танқидий муносабатда бўлади. Аммо мана шунинг ўзи ҳам демократик жараёндир. Демократия мана шунақа бўлади.

Григорянцнинг «маҳкамаси» ташкилий жиҳатдангина эмас, молиявий жиҳатдан ҳам Ғарб билан боғлиқлигини, унинг доимий келувчилари ва меҳмонлари — Ғарб мухбирлари эканини халқимиз билади. Шу сабабли у демократик жараёнлардан, қайта қуришдан фойдаланиб, текинхўрларча кун кўраётган ғайри маҳкама деб ҳисобланмоқда. Афсуски, шундай ҳам бўлади. Табиатда ҳам бундай ҳодисалар учрайди: ҳар қандай текинхўрлар тирик организмнинг қонини сўриб, унга зиён етказишга уринадилар.

Бундай ҳодисаларни енгиш учун жамиятимизнинг кучи етарли. Қайта қуриш қозонида бутун жамият қайтадан пишиб олади, деб илгари айтган эдим. Бу қозондан у янада бақувват, мустаҳкам бўлиб чиқади, айни инсоннинг манфаатлари йўлида унинг демократик, инсонпарварлик имкониятлари янада тўлиқроқ намоён бўлади. Аммо, бизга истиқболни бошқа ердан излашни таклиф қилмоқчи бўлсалар, масалан, социалистик мулкни тугатишни ва ҳоказоларни тавсия этсалар, халқимиз буни рад қилади. Бундай таклиф ва тавсиялар қабул этилмайди — булар пуч хаёллардир. Сизлар ҳам буни билиб қўйишингиз керак.

Пировардида, мен сиз билан бизнинг учрашувимиздан мамнуният изҳор этмоқчиман ва «Вашингтон пост» билан «Ньюсуик» Совет Иттифоқида давом этаётган жараёнларни холисона таҳлил қилиш, жиддий, масъулиятли ёндашиш асосида ёритиб боришларига умид, унча-мунча умид билдирмоқчиман. **(Жонланиш).** Биз ҳеч қандай мақтовларни илтимос қилмаймиз, аммо сизларни қайта қуриш туфайли туғилаётган ҳақиқатларни билиб олишга таклиф этамиз. Салмоқли нашрлар ҳамма ишни салмоқли қилишлари керак.

**К. Грэхэм.** Ижозат берсангиз, яна бир жуда муҳим саволни бермоқчимиз. Олий даражадаги учрашув ҳақида, ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам муҳит жиҳатдан бир неча оғиз сўз айтсангиз. Ёзма жавобларингизда, агар стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида шартнома имзолаш мумкин бўлса, президент Рейган билан яна бир бор учрашувни табриклаган бўлур эдим, деб айтдингиз. Стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги мана шу битим шу қадар муҳим ва ниҳоясига етишга шу қадар яқинки, ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома ва денгиз базаларидаги қанотли ракеталар каби масалалар музокаралар тугашини кутмай туриб, яъни космос ва денгиз базаларидаги қанотли ракеталар муаммолари хусусидаги иш тугамай туриб уни имзолаш мумкин, деб ҳисобласа бўладими?

**М. С. Горбачев.** Биз ядро қуролларини қатиян қисқартиришнинг принципиал ва эътиқодли тарафдорларимиз, шу сабабли стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги шартнома имзоланишининг тарафдорларимиз. Бизнинг фикримизча, жумбоқни ечиш йўлларини излаш борасида биргаликда катта йўлни босиб ўтдик. Бироқ назаримда, агар биз бир соҳадаги стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисида шартнома имзоласагу, айни вақтда космосда ёки денгизларда қуролланиш пойгасини авж олдирсак, бунда нима маъно бор? Қандайдир беъманилик келиб чиқади, деб айтсам, бу фикрга қўшиларсиз.

Шу сабабли бизнинг қатъиятимиз — Совет томонининг инжиқлиги эмас, унинг қандайдир тактик юришлари, найранглари эмас. Бу — чуқур ўйланган ва масъулиятли позициядир. Бу позиция совет халқининг манфаатларига ҳам, америка халқининг манфаатларига ҳам, қолаверса, бутун дунёнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Агар биз қуролланиш пойгасининг бир турини иккинчи турига, бунинг устига космосдаги қуролланиш пойгасига алмаштирсак, ҳамма иш умуман таҳликали тус олган бўлур эди: биз эндигина вужудга кела бошлаган ишончга путур етказган бўлур эдик, Женева музокараларида орттирилган бутун тажрибани қадрсизлантирган бўлур эдик. Чунки гап қуролланиш пойгасининг янги тури тўғрисида, бу пойганинг янги соҳаси ҳақида бормоқда, аҳдлашувга эришиш ва бирон-бир битимга келиш учун янги мезонлар талаб этилур эди. Бунга эса қанчадан-қанча ўн йилликлар керак бўлур эди.

Космосда қуролланиш пойгасига ундаётган киши халқ олдида — ҳам ўз халқи, ҳам бошқа халқлар олдида жиноят қилмоқда, деб ўйлайман. Бу гапни зўр масъулият ва аниқлик билан айтмоқ керак. Бундай ёндашув, бундай фикрлаш — хавфсизлик масалаларида беқарорликка, даргумонликка олиб борадиган йўлдир. Бундай ёндашув ташаббускорларининг таъзирини бериш керак.

Денгиз базаларидаги қанотли ракеталарни чеклашсиз ва назоратсиз қолдиришни хоҳламоқдаларки, бу ҳам маккорона найранг, қуролланиш пойгасининг яна бир йўналиши бўлур эди.

Шу сабабли биз мазкур масалаларнинг ҳаммасини бир-бирига боғлиқ деб билаяпмиз. Шундай ёндашиш адолатли бўлади, деб ўйлайман. Энг муҳими шуки, биз бу муаммоларнинг ҳаммасини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш ва стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш хусусидаги шартномага эришиш йўлларини ҳам кўриб турибмиз. Шундан кейин олға борамиз.

**К. Грэхэм.** Мен бу саволни берганимнинг сабаби шуки, назаримда иккала томон ҳам аҳдлашув сари анчагина илгари силжидилар. Агар стратегик мудофаа ташаббуси ва ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома каби масала олиб кўриладиган бўлса, бизнинг назаримизда Вашингтон декларациясининг ўзиёқ бош масалага, чунончи ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартномадан чиқмаслик даври тугагач нима бўлади, деган масалага жуда яқинлаштириб қўймоқда. Вашингтон Қўшма баёноти ҳозирнинг ўзидаёқ бу масалани ҳал этиш иложини топиб беради, деб ҳисоблайсизми?

**М. С. Горбачев.** Мазкур баёнотда ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома 1972 йилда қандай қабул этилган ва иккала томон уни 1983 йилгача қандай тушунган бўлса, уни шу тарзда тушуниш тўғрисида айтилган гаплар стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги битим сари силжиш учун негиз яратади. Бироқ айни шундай бўлиши ва бундан бошқача бўлмаслиги керак.

Мен ҳали саволингизнинг бир қисмига жавоб қайтарганим йўқ. Биз Совет — Америка муносабатларининг шу муҳим соҳасида АҚШнинг ҳар қандай маъмурияти билан ишлайверамиз ва Женева жараёни доирасида ядро қуролларини қисқартиришга оид янги битимларга эришиш йўлларини излайверамиз. Агар бунга Рейган жаноблари даврида эришилса, буни табриклаймиз. Башарти бунга янги президент сайланганидан кейин эришилса, у ҳолда ҳам биз вақтни ўтказмай, ишни давом эттириш ниятидамиз. Гап Америка томонида қолган.

Чунончи, президент билан Марсга учиш ҳақидаги ҳамкорлик тўғрисида гаплашаман.

**М. С. Горбачев** ҳаммани ракета учирилиши тасвирланган фотосуратлар ёнига киришга таклиф қилади ва сўзини давом эттиради:

Мана, қаранг, — мана бу бултур 100 тонна юкни орбитага олиб чиққан бизнинг «Энергия» ракетамиз модели. Бирмунча модернизация қилинганидан кейин у 200 тонна юкни олиб чиқиб қўя оладиган бўлади. Мана буниси мазкур ракета учирилаётган пайтда олинган фотосурат, уни менга Бойқўнғир космодромидан юборишган (Мен бултур у ерга бориб келган эдим). Мен президент Рейганга Марсга биргаликда учишни ташкил этишда ҳамкорлик қилишни таклиф этаман. Чунки, «Стратегик мудофаа ташаббуси» ва ракетадан мудофаа программаларидан фан ва техниканинг тараққиёти нуқтаи-назаридан кутилаётган натижаларнинг ҳаммасига космосни ўзлаштириш тинч лойиҳалари доирасида эришиш мумкин. Масалан, биз Галлей кометасига учиш лойиҳасини амалга ошириш давомида ўнлаб янги материаллар, электроника, математика ва бошқа соҳаларда кўпдан-кўп илмий натижалар олдик.

Фаолият ва ҳамкорлик майдони мана шундай. Бу — Америка ва Совет халқига муносиб иш бўлур эди. Мен президентга яна шуни таклиф қилмоқчиман...

**Ж. Хогленд.** Биз академик Сагдеевнинг шу мавзудаги мақоласини эълон қилганимиздан хабарингиз бордир.

**М. С. Горбачев.** Қизиқарли. Галлей кометаси хусусидаги мақоланими?

**Ж. Хогленд.** Марсга биргаликда учиш хусусидаги мақолани. Автомат станцияни учириш таклиф этилмоқда. Биз учун бу нарса худди парвозни амалга ошириш мумкиндек туюлмоқда.

**М. С. Горбачев.** Бу фанда, технологияда, техникада жуда катта ёриб ўтиш бўлур эди. Аммо ҳозирча нималар билан шуғулланаётганимизни кўриб турибсизлар... Сизлар билан учрашганимдан хурсандман.

К. Грэхэм, бошқалар суҳбат ва мулоқот учун миннатдорчилик билдирадилар.

---

# ҚАҲРАМОНЛАРГА — МУКОФОТЛАР

21 май куни Кремлда А. А. Громико Афғонистон Республикасига интернационал ёрдам кўрсатиш юзасидан топшириқларни муваффақиятли бажарганлиги ҳамда ана шу ишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун мукофотланганларнинг бир группасига Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалларини топширди. Уларнинг ҳаммасига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Мукофотларни капитан Я. П. Горошко, генерал-майор П. С. Грачев, сержант Н. И. Кремениш, сержант Ю. Н. Миролюбов, кичик сержант В. П. Синицкийлар олишди.

**А. А. Громико** мукофотланганлар ҳузурида сўзга чиқиб шундай деди:

Қадрли ўртоқлар!

Бугун Кремлнинг мана шу тантанавор залида жангчилар худди параддагидек саф тортиб турибди. Уларнинг икки нафари — офицер ва генерал бўлиб, ҳақиқий хизмат бурчини ўтаяпти. Уч киши эса яқинда запасга бўшатилган.

Қадрли жангчиларимиз, сиз советлар мамлакати шонли Қуролли кучларининг вакилларисиз. Мен сизларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиши ҳамда мукофотларни олишингиз билан қизғин табриклайман.

Сизларга бу мукофотлар совет қўшинлари қисмларини олиб чиқиб кетиш бошланган ҳамда ўз бурчини ҳалол ва мардона бажарган солдатларимиз Ватанга қайтиб келаётган вақтда топширилди. Ватан эса, тинчлик йўлида кўрсатган жасоратларингизни юксак қадрлайди.

Энди капитан Ярослав Павлович Горошконинг кўксида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи, ҳамда Ленин ордени порлаб туради. У дадил ва ташаббускор командир. Топширилган ишни ўз вақтида бажариш, юксак профессионал тайёргарлик, жангда босиқлик билан аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш, жангчиларни ўз кетидан эргаштириш маҳорати унинг фазилатлари бўлиб қолди. Ундаги ана шу барча фазилатлар Афғонистон тоғлари ва водийларида намоён бўлди. Жанговар иш кунларида доимо ғалаба қозонишнинг ўзи жангчига берилган мукофот эди.

Гвардиячи ҳаво-десант дивизиясининг командири генерал-майор Павел Сергеевич Грачев Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди. У совет генераллари янги авлодининг вакилидир. У Улуғ Ватан уруши ҳақида фақат китоблар, кинофильмлардангина эмас, айни вақтда Волгадан Берлингача бўлган жанглар тажрибасини ўрганиш орқали ҳам билиб олган. Замонавий ҳарбий назарияни аъло даражада ўзлаштириб олган генерал уни ҳарбий практикада муваффақиятли қўлламоқда. Совет афсонавий баҳодирлари унинг раҳбарлигида тоғ чўққилари ва музликлар орқали ўтдилар, дадил ва мардонавор ҳаракат қилдилар. Бу эса, жуда кам талафот бериб, кўпроқ самарага эришишга, ғалабага олиб келган.

Сержант Николай Иванович Кремениш ўзини синалган жангчи, фавқулодда жасур киши сифатида кўрсатди. У армияда ўз ҳақиқий хизмат муддатининг деярли ҳаммасини қардош Афғонистонда ўтказди. Кремениш взвод командирининг ўринбосари лавозимини эгаллаган, инженерлик-сапёрлик батальони миналаган ерларни тозалаш билангина шуғулланиб қолмай, балки сержант, кўпгина жанговар операцияларда шахсан қатнашган. Жангларнинг бирида у ҳеч иккиланмай командирига кўксини қалқон қилди ва уни қутқариб қолди. Бундай ҳолларда қаҳрамонлар мўъжиза юз бериб тирик қоладилар. Ана шундай мўъжиза юз берди. Қаҳрамон Николай Иванович Кремениш олдимизда турибди.

Сержант, бронетранспортернинг катта ҳайдовчиси Юрий Николаевич Миролюбов ҳам шуҳрат қозонди. У жанг майдонида кўрсатган довюраклиги учун «Жасурлиги учун» ҳамда «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган. Бугун ана шу медаллар ёнига «Олтин Юлдуз» медали ва Ленин ордени қўшилди. У ўлим билан бир неча бор юзма-юз келган, ярадор бўлган, контузияланган. Юрий Николаевич Миролюбов жангларнинг бирида сафдан чиққан пулемётчи ўрнини эгаллади ва бу билан жангнинг қандай натижа билан тугашига таъсир кўрсатди. Жанг ғалаба билан якунланди. Ўртоқларига доимо ёрдамга келадиган совет жангчиси ана шундайдир.

Кичик сержант Виктор Павлович Синицкий механик-ҳайдовчи. У йигирма ёшда, лекин унинг таржимаи ҳоли машаққатли ва тарихий саҳифаларга бой: бир неча марта мина портлаши натижасида ярадор бўлган, тўрт марта контузияланган, жанг вақтида уч марта шикастланган машинани ремонт қилган ва ҳамма вақт сабот-матонат, босиқлик, ғалабага бўлган ирода — умуман Ватан уни Совет Иттифоқи Қаҳрамони деб аташи учун асос бўладиган фазилатларини намойиш этиб келган.

Қадрли ўртоқлар! Сизларнинг ҳаммангиз — сержантдан тортиб то генералгача йигирма ёшдан қирқ ёшгача бўлган ёшларсиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, сизнинг олдингизда ҳали бутун бир ҳаёт турибди.

Биз эса улуғ қайта қуришнинг ажойиб даврида яшаяпмиз. Бутун партиямиз, бутун халқимиз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик кўришмоқда. Унинг қарорлари қайта қуришга шубҳасиз янги омил бағишлайди.

Сизларни Ватаннинг юксак мукофотлари билан яна бир бор астойдил табриклашга рухсат этгайсиз. Мен сизларга Михаил Сергеевич Горбачевнинг табригини топшираётганимдан айниқса, мамнунман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўзингизга ва қадрдон кишиларингизга муваффақиятлар тилайман. Жанговар ишларингизда ҳам, тинчлик ишларида ҳам янги-янги зафарлар тилайман!

А. А. Громиконинг нутқи қарсаклар билан кутиб олинди.

Мукофотланганлар жанговар меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Мукофотларни топшириш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили қатнашдилар.

(ТАСС).

---

# ОЗАРБАЙЖОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БОКУ, 21 май. (ТАСС). Бугун Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум К. М. Багировнинг саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан уни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

А. Х. Везиров Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский қатнашдилар.

Е. К. Лигачев пленум қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

* * *

Е. К. Лигачев билан Г. П. Разумовский Озарбайжон Компартияси область, шаҳар ва район комитетларининг биринчи секретарлари билан учрашдилар.

СССР 50 йиллиги номли Боку холодильниклар заводида ишчилар ва инженер-техник ходимлар билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Қайта қуришнинг бориши, хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш ва истеъмол моллари сифатини яхшилаш муаммолари, социал соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида гаплашилди. КПСС Марказий Комитетининг секретарлари меҳнат коллективи кенгашининг фаолияти, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш қандай йўлга қўйилгани билан қизиқдилар. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Р. Мустафаев номли тасвирий санъат музейига бордилар, у ерда республика Рассомлар союзи арбоблари билан учрашдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров Е. К. Лигачев ва Г. П. Разумовскийларга ҳамроҳлик қилди.

---

# АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЕРЕВАН, 21 май. (ТАСС). Бугун Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум К. С. Демирчян саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган ва ундан олдин КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг сектор мудири бўлиб ишлаган С. Г. Арутюнянни Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих қатнашдилар.

Пленумда А. Н. Яковлев нутқ сўзлади.

* * *

А. Н. Яковлев билан В. И. Долгих 20—21 май кунлари Ереванда бўлдилар.

А. Н. Яковлев республика оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректорлари ҳамда ижодкор зиёлиларнинг намояндалари билан учрашди.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари ва секретарлари билан учрашдилар.

В. И. Долгих бир қанча министрликлар ва идораларнинг, йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг раҳбарлари билан ҳам учрашди. У «Армэлектромаш» бирлашмасида бўлиб, маҳсулот намуналари, электр машинасозларининг меҳнат шароитлари билан танишди, ишчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди. Учрашув ва суҳбатлар чоғида қайта қуришнинг бориши, ошкоралик ва демократиялашни кенгайтириш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик тўғрисида гаплашилди.

А. Н. Яковлев билан В. И. Долгих В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. 1915 йилдаги хунрезлик қурбонлари ёдгорлиги ҳамда «Ғалаба» боғидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

М. Маштоц номидаги матенадаранга — қадимги қўлёзмалар институтига борилди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Т. Саркисян КПСС Марказий Комитетининг секретарларига ҳамроҳлик қилдилар

---

# САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ!

Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси X халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларини баҳор байрами либосида кутиб олмоқда. Республика пойтахти майдонлари ва кўчаларини табрик транспарантлари, анжуманнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олийжаноб шиори безаб турибди. Шиор ёзилган матода Ер куррасини ўраган кинолента тасвирланган ва «Тошкент-88» санаси қайд этилган.

Фестивалнинг бош қароргоҳи — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ёнидаги майдонда СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари, шунингдек анжуманнинг байроғи ҳилпираб турибди. Ёнма-ён уч қитъа кино арбобларининг анъанавий учрашувида қатнашаётган мамлакатларнинг давлат байроқлари кўтарилган. Меҳмонхона комплексининг колонналари киностендлар билан безатилган, унинг рўпарасида Октябрь инқилоби номли хиёбон айланаси бўйлаб «Совет Ўзбекистони кинохроника кадрларида» экспозицияси жойлашган.

Фильмларнинг конкурс кўриги ўтадиган Санъат саройида киноплакат, фотоэкспозиция виставкалари очилган. Шаҳарнинг ўн тўртта кинотеатрида ҳам тематик вернисажлар бўлиб ўтади, ахборот программаси фильмлари кўрсатилади.

23 май куни, фестивалнинг тантанали очилиши арафасида Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари Тошкент аэропортида кинофестиваль қатнашчиларини самимий олқишладилар. Шаҳар аҳолиси тараққийпарвар кино санъати вакилларини нон-туз, гулдасталар, байрам тароналари ва шоду-хуррамлик билан кутиб олди.

(ЎзТАГ).

---

# Ўзбекистон билан танишув

Германия Компартиясининг Раиси Герберт Мис Ўзбекистон билан танишишни давом эттирмоқда. ГФРдан келган меҳмон Хива гилам комбинатида бўлди, қадимий шаҳарнинг тарихий ва меъморий ёдгорликларини кўздан кечирди. Хивадаги Фрунзе номли колхоз маданият саройида қизғин учрашув бўлиб ўтди.

Герберт Мис Бухорода зардўзлик фабрикасида бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашди. У янги қурилишлар бўлаётган районларни бориб кўрди, шаҳарнинг кўҳна қисмини сайр қилди.

23 май куни Герберт Мис Самарқандга етиб келди.

(ЎзТАГ).

